

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЖАНОВ САРВАР САМАНДАРОВИЧ

ЭРКИН САМАНДАРНИНГ ФОЛЬКЛОРИЗМЛАРДАН
Фойдаланиш Маҳорати

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч - 2022

УДК: 821.512.133.09-1:39

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
The contents of dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD)

Атажанов Сарвар Самандарович

Эркин Самандарнинг фольклоризмлардан фойдаланиш маҳорати.....5

Атажанов Сарвар Самандарович

Мастерство Эркин Самандара в использование фольклоризмов.....33

Atajanov Sarvar Samandarovich

Erkin Samandar's skill in using folklore.....62

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works66

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЖАНОВ САРВАР САМАНДАРОВИЧ

ЭРКИН САМАНДАРНИНГ ФОЛЬКЛОРИЗМЛАРДАН
Фойдаланиш Маҳорати

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси

**Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2022.1.PhD/Fil1735 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.fil-ik.urdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзимбоев Сафарбой
филология фанлари доктори, профессор

Ғайипов Дилшод Қадамбаевич
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Гайлыева Огулай Курбанмуродовна
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Собирова Насиба Эргашевна
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Нукус давлат педагогика институти

Диссертация химояси Урганч давлат университети хузуридаги PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00, e-mail: www.fil-ik.urdu.uz).

Диссертация билан Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-67-00.

Диссертация автореферати 20 __ йил «__» _____ куни тарқатилди.
(20 __ йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

З.Дўсимов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

С.М.Сариев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

А.Д.Ўразбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.в.б., филология фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида ёзма адабиётнинг оғзаки адабиёт анъаналари негизида шаклланганлиги ва ривожланиш босқичига қадам қўйганлиги масаласи кенг таҳлил ва тадқиқ қилинмоқда. Ёзма адабиёт юксак ривожланиш босқичига қадам қўйган бўлса-да, ёзувчи ва шоирлар ижодида фольклорнинг салмоқдор таъсири ўз кучини йўқотмасдан уларнинг эстетик идеалини бойитишда муҳим манба бўлиб хизмат қилаётгани масаласи илмий асосда ўрганилмоқда.

Дунё адабиётшунослигида фольклор анъаналарининг оддий ва мураккаб турлари фарқланиб ўрганилган. Лирик, эпик ва драматик асарларда оддий фольклоризмлардан тортиб, аналитик, синтезлашган, стилизацияга асосланган халқ ижодиёти анъаналари бадиий матн замирига маҳорат билан сингдирилгани масаласи, улар бирор бир адиб ижодиёти тараққиёт босқичларида қандай аҳамият касб этгани илмий муаммоси ҳам тизимли таҳлил этилиб, ушбу йўналишда монографик тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида фольклор ва ёзма адабиётнинг бир-бирига таъсири, халқ ижодиёти анъаналарининг бадиий асардаги функциялари, фольклоризмлар семантикаси ва типологияси ҳам янгича тафаккур асосида тадқиқ қилинмоқда. Адибларнинг фольклоризмларга ёндашув усуллари янгиланиб, қадимий маънавий меросни баҳолашнинг адабий-эстетик мезонлари такомиллашди, миллий қадриятларни қайта тиклаш тамойиллари устуворлик касб эта бошлади. Эндиликда халқимизнинг “маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди”¹. Бу эса замонавий адабиётшунослик олдида ҳал этилиши зарур бўлган муҳим вазифаларни қўйди. Қадимий қадриятларимиз мужассамлашган фольклор асарлари қатидаги умрбоқий ғоялар ёш авлоднинг маънавий юксалишида ўзига хос тарбиявий аҳамият касб этади. Бу жараёнда таниқли адиб Эркин Самандар ижодининг ўрни алоҳида. Унинг асарларида фольклоризмларнинг барча кўринишлари ўз ифодасини топган. Лекин ёзувчининг фольклоризмлардан фойдаланиш маҳорати адабиётшуносликда деярли тадқиқ этилмаган. Шулардан келиб чиқиб, адиб асарларида қўлланган фольклоризмларни илмий баҳолаш, улар замиридаги юксак инсонпарварлик ғояларини ёритиб бериш ишимизнинг **долзарблигини** белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 19

¹Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.47.

октябрдаги ПҚ-4865-сонли «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Фольклор ва адабиёт муносабати масаласи чет эл адабиётшунослигида анча илгаридан тадқиқот доирасига тортилган ва кўплаб ишлар амалга оширилган². Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек адабиётшунослигида ҳам фольклоризмларнинг қўлланилиши масаласида кўпгина тадқиқотлар юзага келди. Таниқли ўзбек олимлари Н.М.Маллаев, М.Қ.Нурмухамедов, Б.И.Саримсоқов, Ғ.Мўминов, О.Собиров, И.Ёрматов ва бошқа кўплаб адабиётшунослар томонидан фольклор ва ёзма адабиёт, халқ оғзаки ижоди анъаналарининг ёзувчилар ижодига таъсири масаласи билан боғлиқ илмий ишлар юзага келди³. Шунингдек, Эркин Самандар ижодий йўли, маҳоратининг айрим қирралари хусусида ҳам тавсифий тарздаги

² Левинтон Г.А. Заметки о фольклоризме Блока // Миф-фольклор –Литература. –Л.: Наука, 1978; Горелов А.А. К истолкованию понятия «фольклоризм литературы» // Русский фольклор. –Л.: Наука, 1979. –Т.ХІХ; Медриш Д.Н. Литература и фольклорная традиция. Вопросы поэтики –Саратов: Издательство Саратовского университета, 1980. –175 с.; Далгат У.Б. Литература и фольклор. –М.: Наука, 1981; Гусев В.Е.Типология фольклоризма –Кичкемет (Венгрия), 1985; Лазеров А.И. Типология литературного фольклоризма. –Челябинск, 1991; Скаковская Л.Н. Фольклорная парадигма русской прозы последней трети XX века: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Тверь, 2004; Хазанкович Ю.Г. Фольклорно-эпические традиции в прозе малочисленных народов России (на материале мансийской, ненецкой, нивхской, хантыйской, чукотской и звенкийской литературы): Автореф. дис ... докт. филол. наук. –М.: 2009.

³Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1974; Нурмухамедов М. Туркий халқлар адабиётда оғзаки ва ёзма анъаналар синтези. / Ўзбек тили ва адабиёти. 1981, №6.; Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. / Ўзбек тили ва адабиёти”, 1984, №4.; Саримсоқов Б. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларига доир изланишлар // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1976. №5 –Б.85-87; Саримсоқов Б. Фольклор ва адабиёт муносабатларидаги акс жараённинг ҳозирги аҳволи. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1988. №6. 21-27-бетлар; Собиров О. Ўзбек реалистик прозаси ва фольклор. –Тошкент, 1979; Собиров О. Сарчашма адиб ижодида. –Тошкент, 1975; Собиров О. Яшин ва халқ ижоди. –Тошкент, 1972. Мўминов Ғ. Прозамиз тараккиётида фольклорнинг аҳамияти. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1978 №2. –Б. 62-66; Ярматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе. АҚД. –Т.: 1986; Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1982. №2. –Б.54-59; Ёрматов И. Стилизация характеридага фольклоризмлар. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1984. №3. 31-34; Ёрматов И. Ҳозирги ўзбек лирикасидаги синтезлашган фольклоризмлар хусусида. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1985. №2. 35-37-бетлар; Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1982, №2. –Б.54-59; Жўраев М. Мифларнинг ёзма адабиётга муносабати. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1980. №6. –Б.41-44; Акрамов Ф. Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1996 №2. –Б.60-66; Амонов У. Фитрат драмаларида фольклоризмлар. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2012; Отажонова М. Мифологик сюжет ва бадий талқин. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2017. №3; Турсунова Н. Ҳозирги ўзбек драмаларида фольклоризмлар. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2015 №4; Қодирова М. Шоирлар шеъриятида халқ оғзаки ижодиёти излари. // “Адабий мерос”. 1991. №3; Ҳакимов М. Ёзувчи ва халқ тили. –Т.: Фан, 1971; Ҳакимов М. Навоий афоризмларининг манбаларига доир. / Адабий мерос. №2. –Т.: Фан, 1971; Ҳасанова Б. Асқад Мухторнинг фольклоризмдан фойдаланиш маҳорати. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2018. №4.

тадқиқотлар амалга оширилган.⁴ Ушбу диссертация шу пайтгача бажарилган ишлардан илмий муаммонинг монографик тадқиқига бағишлангани билан алоҳида ажралиб туради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч Давлат университети илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедрасининг “Фольклор ва ёзма адабиёт алоқалари” мавзусидаги тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Эркин Самандар асарларидаги фольклоризмларнинг ўрнини аниқлаш, уларнинг асар бадииятидаги ролини кўрсатиш, муаллифнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланишдаги маҳоратини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Эркин Самандар ижодидаги оддий фольклоризмлар ва уларнинг асар бадииятидаги ролини аниқлаш, хусусан, адибнинг мақол ва маталлардан фойдаланиш масалаларини ёритиш, фразеологик бирикмалар ҳамда қарғиш ва олқишларнинг асар тизимидаги ўрнини белгилаш;

стилизиция характеридаги фольклоризмларнинг асардаги бадиий-эстетик ва услубий вазифаларини илмий баҳолаш;

шоир шеъриятидаги стилизиция усулларини ёритиш;

насрий асарларидаги стилизацион фольклоризмларнинг бадиий функциясини аниқлаш;

синтезлашган ва аналитик фольклоризмларни қўллашда муаллифнинг ёндашувининг ўзига хослигини кўрсатиб бериш;

синтезлашган фольклоризмларнинг ёзувчи ижодий нияти ифодасидаги ўрнини очиқлаш;

аналитик фольклоризмлар индивидуал ижодий услуб омили эканлигини асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида адибнинг “Назм нафаси” сайланмаси (2015), “Менинг йигит вақтим” (1979), “Юракка йўл” (1990), “Аму жилолари”(1966), “Вафо деган гавҳар” (1975), “Бу боғни қайси боғ дерлар”(1982), “Қабул соатлари”(1980), “Баҳор оқшомлари” (1984) шеърый тўпламлари, “Султон Жалолиддин” (2007), “Қуюн излари ёхуд Огаҳий” (2009), “Қирон ғилдирағи”(2016) романлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини фольклоризмларнинг типлари ва уларнинг Эркин Самандар асарлари таркибида тутган бадиий-эстетик вазифалари ташкил этади.

⁴ Матёқуб Қўшжонов. Жайхун жилолари. // Шоир, драматург, романнавис. –Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 2008. Б. 183-218; Ёқубов И. Ўзбек романи тадрижи. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2006. 160 бет; Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сехри. Мақолалар тўплами. - Т., 2011. 475 бет; Абдуллаев Х., Отамуратова М. Эркин Самандар адабий портретига чизгилар. // “Илм сарчашмалари”. 2020. №5. 67-70-бетлар; Йўлдошев Қ. Кечадан бугунни истаган адиб.// Ёник сўз. – Т.: 2006. 334-346 бетлар; Раҳимова Б. Бадиий тафаккур уфқлари.// “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2015 №3. –Б.60-66.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий муаммони ёритишда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, статистик, матний таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фольклоризмларнинг Эркин Самандар ижодида қўлланган барча турлари, хусусан, оддий фольклоризмларнинг бадииятни таъминлашдаги ўрни очиб берилди. Адибнинг мақол, матал, халқона фразеологик бирикмалар, қарғиш ва олқишлар, фонопоэтик воситалардан фойдаланиш маҳорати илмий баҳоланган;

шоир шеъриятидаги стилизацион фольклоризмларнинг бадиий-эстетик ва услубий вазифалари аниқланиб, ёзувчи ижодий нияти ифодасида синтезлашган фольклоризмларнинг ўрни илмий асосланган, шунингдек “Султон Жалолиддин”, “Қирон ғилдираги”, “Қуюн излари ёхуд Огаҳий” каби романлари бадииятида стилизацион фольклоризмларнинг поэтик функцияси аниқланиб, адиб асарлардаги образлар ва жанрлар стилизацияси масаласи ёритилди. Жумладан, от образи стилизациясида ёзувчининг маҳорати эътироф этилиб, қушлар образи стилизациясида баёнчиликка йўл қўйилгани далилланган;

фольклор поэтикаси ва ундаги мифологик образлар стилизацияси қаҳрамонлар миллий характерини шакллантиришда ёзувчининг асосий тамойилларидан бири эканлиги, бу усулнинг асар мавзу доирасини кенгайтириш ва ғоявий-бадиий салмоқдорлигини юксалтиришдаги аҳамияти очиб берилган;

ёзувчининг йирик насрий асарларида аналитик фольклоризмларнинг асар композициясида тутган ўрни, уларнинг халқ этнографиясини воқеалар тизимида акс эттиришдаги роли, асар тилининг эмоционал-экспрессив хусусиятларини юксалтиришдаги аҳамияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: фольклоризмларнинг асосий хусусиятлари ёритилиб, уларнинг Эркин Самандар асарларида учрайдиган турлари мисоллар орқали кўрсатиб берилган. Адибнинг лирик, эпик ва драматик асарларида фольклоризмларнинг бадиий-эстетик ўрни аниқланган;

фольклор жанрлари, образлари ва турли мотивларининг ёзма адабиётдаги бадиий нутқ бўёқдорлигини оширишда муҳим омил эканлиги Эркин Самандар асарлари мисолида ёритиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ва назарий маълумотлар, оғзаки ва ёзма адабиёт муносабати бўйича таҳлиллар, хулосалар қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадиий-эстетик, структурал усулларга асосланганлиги, назарий мушоҳада ва таклифларнинг амалиётда қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотдаги натижалар ва илмий-назарий хулосалар оғзаки ва ёзма адабиёт муносабати, шунингдек, лирик, эпик ва драматик асарларнинг бадиий-эстетик хусусиятларини яхлит ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Фольклоризмларнинг замонавий адабиёт поэтикасида ва образлар тизимида тутган ўрнини баҳолашда қўлланилади. Шунингдек, ишда таҳлил этилган илмий муаммолар ечими, материаллар ва хулосалар олий таълим муассасалари филология таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида ўқитиладиган оғзаки ва ёзма адабиёт дарсларида қўшимча материал сифатида фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Эркин Самандарнинг фольклоризмлардан фойдаланиш маҳорати” тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан:

адибнинг кўплаб шеърларида халқ мақоллари, ривоятлари, тарихий воқеалар синтезлаштириш йўли билан асарга сингдириб юборилгани, “Қуюн излари ёхуд Огаҳий”, “Қирон ғилдирағи”, “Султон Жалолиддин” романларида ҳам халқ афсона ва ривоятлари асар бадииятида катта ўрин эгаллаганлиги тўғрисидаги хулосалардан 2012-2016 йилларда амалга оширилган ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқоти лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 2 февралдаги 17.01/27-сон маълумотномаси). Натижалар оддий ва мураккаб фольклоризмларни асар бадииятидаги ўрнини тадқиқ қилиш орқали бундай фольклор анъаналарини бирор адиб ижоди мисолида ўрганиш адабиётшунослик учун муҳим деган хулосага келишга асос бўлган;

Эркин Самандар шеърлятида халқ оғзаки ижодига хос образлар стилизацияга учрагани (Омон Сардор, Чори чўпчи ва бошқалар), “Қуюн излари ёхуд Огаҳий” (Сиддиқ полвон образи), “Султон Жалолиддин” (Қамбарнисо образи) романларида ҳам адиб стилизация усулида маҳоратини намоён қилгани, шунингдек, от образи (Саман, Қорабайир), туш мотиви ифодасида ёзувчи ўзига хослиги кўзга ташланиши, афсона, миф, ривоятлар синтезлашувида адиб маҳорати намоён бўлиши каби хулосалардан 2017-2020 йилларда амалга оширилган ФА-Ф-1-005-рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқоти лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 9 февралдаги 17.01/28-сон маълумотномаси). Натижада замонавий адабиётга фольклорнинг таъсирини белгилаш орқали образлар тизимидаги ва афсона, миф, ривоятлар бадиий синтезидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш, шу орқали адиб маҳоратини намоён қилувчи жиҳатларни ўрганиш лозим, деган хулосага келинган.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Хоразм” телеканалининг “Ассалом, Хоразм”, “Хоразмнома” кўрсатувлари сценарийларида тадқиқотнинг Эркин Самандар шеърлятида, насрий ва драматик асарларида оддий фольклоризмлар: мақол, матал, фразеологик бирикмалар, олқиш ва қарғишлар катта ўрин тутиши, улар асар бадииятида ўзига хос ўрин эгаллаганлиги каби хулосаларидан фойдаланилган (Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 13 февралдаги 105-сон маълумотномаси.) Натижада телетомошабинларнинг Эркин Самандар ижоди, асарларининг ғоявий йўналиши, мавзу қамрови, улардаги оддий

фольклоризмлар ифодаси, бу жараёндаги адиб маҳорати юзасидан билимлари бойишига эришилган.

Республика Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими томонидан ўтказилган турли адабий-маърифий тадбирларда, хусусан, Эркин Самандар таваллуд куни, замонавий Хоразм адабий муҳити бўйича ташкил этилган анжуманлар сценарийсини тайёрлашда халқ оғзаки ижоди ёзма адабиёт ривожига асос вазифасини ўтаганлиги, шоир ва ёзувчилар маҳорати фольклоризмларни қўллашда ҳам яққол кўриниши каби хулосалардан унумли фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлимининг 2022 йил 14 февралдаги 45-сон маълумотномаси.) Натижада Хоразм адабий муҳити вакиллари, хусусан, Эркин Самандар ижоди фольклор анъаналари таъсирида такомил топгани очиб берилган, ўз исботини топган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та республика илмий-амалий, 2 та халқаро илмий-назарий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, уларнинг 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тавсифланган, тадқиқот усуллари белгиланган ҳамда эълон этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Эркин Самандар ижодида оддий фольклоризмлар ва уларнинг асар бадииятидаги роли”** деб номланган.

Бобнинг биринчи фаслида “Адибнинг мақол ва маталлардан фойдаланиш маҳорати” таҳлил этилган.

Фольклор ва ёзма адабиёт муносабати қадимий тарихга эга. Халқ оғзаки ижоди ёзма адабиёт намояндаларини меҳнаткаш омманинг дили ва тили, турмуши ва кураши, дунёқараши ва урф-удуми, ташвиши ва истак-орзуси билан яқиндан таништирди, бадиий ижодкорлик ҳаваси ва кўникмаларини туғдирди, ғоя ва образларнинг поёнсиз оламига олиб кирди, бутун бисоти ва санъаткорлик маҳоратини дариф тутмади⁵. Ушбу анъана замонавий ёзувчилар томонидан ҳам мунтазам давом эттирилмоқда. Шеърятда мақол ва маталлардан, халқ оғзаки сўзлашув тилига хос образли ифодалардан фойдаланиш, айниқса, поэтик тафаккурни юксалтирди. Истеъдодли ижодкорлар асар бўёқдорлиги, таъсирчанлиги, ғоявийлигини юксалтириш учун ҳамиша мақол, матал ва халқона образли ифодаларга эътибор қаратишган.

Эркин Самандар шеърятда бу усул турли йўналишларда намоён бўлади. Шоир аксарият ҳолларда мақолларни ўзгаришсиз қўллайди.

Ит ҳура, карвон ўтар,

Карвон бўл, она тилим. (“Назм нафаси”, 112-бет.)

Она тилига бағишланган бу шеърда мақол ишлатилиши жамиятдаги турли сиёсий-ижтимоий воқеаларга ишорадир. Чунки турғунлик даврида миллий тилларнинг ҳуқуқи ниҳоятда чекланиб, оилавий тиллар доирасига тушиб қолиши хавфи ҳам сезилган эди. Шоир башорат қилганидек “Ит ҳуриб, карвон ўтиб” кетди. Эркин Самандар шеърларида мақоллардан фикрининг қатъийлигини исботлаш мақсадида фойдаланади. Чунки матал нутқда кўрсатиш вазифасини ўтаса, мақол далиллаш, исботлаш воситаси сифатида қўлланилади⁶.

“Ёдинг билан” шеърда муаллиф севги-садоқатнинг юксак эканлигини исботлаш учун мақолни айнан келтиради:

Майли, кетсанг, нима ҳам дердим,

Зорим бору зўрим йўқ менинг.

Ҳаётимни қўлингга бердим,

Сендан ўзга ёрим йўқ менинг⁷.

Шоир дастлабки мисрада воқеадан хабар беради, иккинчи сатрда мақол воситасида ўзининг ижодий ниятини ифодалайди. Кейинги икки мисрада охириги хулосани қайд қилади. Навбатдаги бандларда эса аста-секин кўнглидаги гиналарни бир-бир аён қилиб, яна мақоллар ғоясига монанд фикрлар билан шеърни ниҳоялайди.

Севги билан яшаса юрак,

Ғамни енгмай ўлмайди одам.

Ижодкор “Аждодлар қиличи” шеъринг драмасида мақолларни, айниқса, маҳорат билан қўллаган. Ҳар қандай босқинчини енгилар учун ҳамжиҳатлик, жипслик, метиндай тартиб-интизом керак бўлади. Ушбу тарихий асарда Хоразмдаги парокандалик оқибатидан шоир қалби ўртанади.

⁵ Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1974. –Б.10. (382)

⁶ Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. –Б.17.

⁷ Назм нафаси. –Т.: “Turon zamin ziyo”, 2015 –Б. 167.

Шу боис персонажлар тилидан бирлик, жипслик ҳақидаги кўплаб мақоллар вазият тақозоси билан бериб борилади:

Эсла, эсла, саркарда,
Хаёлингга изн бер.

Бирлашмаган тўзадир,

Бўлинггани бўри ер. (“Назм нафаси”, 247-бет.)

“Аждодлар қиличи” шеърӣ драмаси халқона ибораларга бойлиги билан алоҳида алоҳида ажралиб туради. Унда мақоллар ва маталлардан ташқари иборалар, халқона ўхшатиш ва сифатлашлар, муболаға, сўз ўйини ва фонопоэтик воситалар қўлланган.

Адибнинг насрий асарларида фольклоризмларга, хусусан, мақол ва маталлардан фойдаланишга кўпроқ эътибор қаратилган. Бунинг асл сабабларидан бири “...мақолларда таъкид, баён, маслаҳат, даъват, буйруқ каби оҳанглар мужассамлашади. Маталлар эса қисқалик, ҳозиржавоблик, образлилик кучли эканига кўра фразеологизмларга яқинлашади⁸”. Мазкур паремик жанрлардаги кўзга ташланадиган омиллар асар воқеаларидаги ранг-баранг ҳиссий оҳангларни образли акс эттириш воситаси бўлиб хизмат этади. Ёзувчи уларни ўрни билан айнан, баъзан эса ўзгартирган ҳолда фаол қўллайди.

“Қуюн излари ёхуд Огаҳий” романида Эркин Самандар оддий фольклоризмлар тоифасига кирувчи мақолларни маҳорат билан бадий нутқ таркибига сингдира олган. Юқорида таъкидланганидек, мақолларнинг тузилиши турлича. Асар таркибида ҳукм, хулоса-таъкид оҳангидаги мақоллар кўпроқ қўлланган:

Такдирдан қочиб бўлмас⁹.

Ётиб қолгунча отиб қол. (“Қуюн излари...”, 94-бет.)

Биринчи мисол қозикалон тилидан берилган. Асарда тасвирланишича, у адолатпеша инсон бўлган. Невараси кекса кишига узатилишига қатъиян қарши чиқиб, севган йигити билан уйдан чиқиб кетганидан хабар топгач, қозикалон жаҳл қилиш ўрнига ўша мақолни ишлатади. Мақол унинг дилидаги фикрни ёритишга хизмат қилган. Негаки, бу мақол замирида масалани рад қилишга қараганда яширин ҳолда мойиллик туйғуси намоён бўлади ва қаҳрамоннинг тажрибали, адолатпарвар, инсонпарвар қиёфасини очиб беради. Иккинчи мақол эса Огаҳий тилидан айтилган.

Бадий матнда мақоллардан ижодий фойдаланиш “Қирон ғилдираги” романида ҳам изчил давом эттирилган. Ушбу роман воқеалари ҳам дилни ўртовчи тафсилотларга бой бўлиб, тоталитар тузум давридаги қатағон изтироблари тасвирланган. Асар бош қаҳрамони Муҳаммад ҳожи қамоққа олингач, унинг яқин дўсти ҳожининг ўғлига тасалли беради: “Маҳмудбек, маҳкам бўл, ўғлим. **“Бошга тушгани кўз кўрар”**. Ушбу тасаллидан сўнг ҳожининг оиласидагиларни аяш мақсадида Маҳмудбекка яна маслаҳат беради: “Отангнинг қаердалигини айтма; Орол бўйига жўнатишган, деб қўяқол. **Яхши ёлғоннинг гуноҳи йўқ**”... (“Қирон ғилдираги”, 26-бет.)

⁸ Костомаров В.Г., Верещагин Е. М.О пословицах, поговорках и крылатых выражениях. //Русские пословицы, поговорки и крылатые выражения. – М.: «Русский язык», 1979. –С.7. (238)

⁹ Эркин Самандар. Қуюн излари ёхуд Огаҳий. –Т.: “MUMTOZ SO‘Z”, 2009. –Б.25. (350)

Диссертацияда романдаги мақол ва маталларнинг ўрни муфассал таҳлил этилган.

Бобнинг иккинчи фасли “**Фразеологик бирикмалар ҳамда қарғиш ва олқишларнинг асар тизимидаги ўрни**” тадқиқига бағишланган. Эркин Самандар бадий нутқ жараёнида кўплаб **фразеологик бирикмалардан** самарали фойдаланиб, халқчил, таъсирчан ифодалар яратган. “Фразеологик бирикмаларнинг экспрессивликка, образлиликка, алоҳида ифодалиликка эга бўлмаган кўринишлари тилда айтарли йўқ даражада¹⁰.

Фразеологик бирикмалар оддий сўзлашув тилида ҳам, бадий нутқда ҳам ифодалиликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Ушбу воситалар “ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиш, жамиятдаги мақбул-номақбул ҳаракат-ҳолатларни баҳолаш, турмуш тажрибаларини умумлаштириши асосида халқ чиқарган хулосаларнинг ўзига хос образли ифодаларидир”¹¹.

Эркин Самандар бошқа асарларида бўлгани каби “Аждодлар қиличи” драмасида ҳам фразеологик бирикмалардан маҳорат билан фойдаланган. Жумладан: **Жони ҳалқумига келмоқ** (ўлим талвасасига тушмоқ): *Бухоронинг ҳалқумига келибдур жони* (248-бет). **Кўзини ёғ босмоқ** (манманликка юз тутмоқ): *Қорнинг тўйиб кўзларингни босган бўлса ёғ* (289-бет). **Кулини кўкка совурмоқ** (ном-нишонсиз йўқотмоқ) ҳамда **Тегирмондан бутун чиқмоқ** (ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этмоқ) иборалари: *Кулини кўкка совуришга лаёқатлидур. Тегирмонга ташласанг-да чиқармен бутун* (292-293-бетлар). Биринчи ибора Хоразмшоҳ саройидаги машваратда шохнинг эътиборини қатъийлаштириш, таҳликали вазиятга урғу бериш учун ишлатилган. Иккинчи ва учинчи мисоллар Чингиз қароргоҳида отанинг ўғли Тўлихон билан бўлган мунозараси чоғида қўлланилган. Чингиз ўғлини манманликда, вазиятни тўғри баҳоламасликда айблайди Тўли эса “тегирмондан бутун чиқишга” ваъда беради. “Кулини кўкка совуриш” иборасини эса Чингиз ўз қудратини кўрсатиш мақсадида қўллайди.

Ярасига малҳам бўлмоқ (Яқиндан ёрдам бермоқ): *Мен эрса борурмен она халқимга, унинг ярасига излармен малҳам* (264-бет). Ушбу ибора Жалолиддин тилидан берилган бўлиб, унинг ватанпарварлик ва халқпарварлик фазилатларини ифодалайди.

Сувдан қуруқ чиқмоқ (айёрлик, айбини тан олмаслик, риёкорлик). **Илоннинг ёғини яламоқ** (Фирибгарлик, қувлик). **Тагига сув қуймоқ** (ғаламислик, риёкорлик, панд бермоқ) (359-381-бетлар):

Тагимизга сув қуймасак бир-биримизнинг...

Ўшанда ҳам сувдан қуруқ чиқди бу баттол...

Илон ёгин ялаган бу иблис чап берди...

Дастлабки икки мисол хоин ва хиёнаткор Бадриддинга айтилган бўлиб, унинг қиёфасини ёрқин ифодалайди. Охирги мисол Жалолиддиннинг хулосаси сифатида берилган. Чунки асарда Хоразмнинг мағлубияти ўзаро хиёнат ва адоват натижаси сифатида талқин этилган.

¹⁰ Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т.:“Миллий кутубхона”, 2007. –Б.165 (186)

¹¹ Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. –Т.:“ Маънавият”. 2002. –Б.39.(42)

Ҳар бир фразеологик бирикма образлар ички оламига уйғун танланган. Чингиз тилидан берилган иборалар аксарият ҳолларда дағдаға-пўписалар билан суғорилган:

*Кўкка учган бўлса, тортиб оёқларидан,
Ерга кирган бўлса, тортиб қулоқларидан,
Шоҳни олиб келасанлар олдимга тирик (289-бет.)*

Мисраларга сингдирилган ушбу иборалар Чингизхоннинг ёвуз қиёфасини ёрқин акс эттиради. Жалолиддин тилидан келтирилган ибораларда ватанпарварлик, хоинларга нисбатан чексиз нафрат туйғуси акс этиб туради.

Адиб романлари матнида ҳам фразеологик бирикмалар салмоқли ўрин эгаллайди. Фразеологик бирикмаларга хос асосий хусусиятлардан бири инсон руҳиятини кўчма маънода ифодалаб беришдир. “Султон Жалолиддин” романида ёзувчи Хоразмшоҳ Аълоуддин образини беришда унинг ички туғёнларига мос ибораларни маҳорат билан танлаган. Султоннинг бутун қалбини кўрқув ва ҳадик эгаллаганлиги сабабли соғлом фикр юрита олмай қолади.

“Кун пешиндан оққанда хабаргирлар орқада қандайдир суворийлар пайдо бўлганини маълум қилишди.

Бу ҳойнаҳой Субутой нўён деган фикрга борди Султон. **Бошдан оёғига қадар муз оралади**” (28-бет).

Аълоуддин султоннинг атрофидаги ишонган кишилари бирин-кетин хиёнат йўлига киришади. Охири у вазири Қувомиддинни хузурига чақиради. Хабарчилар унинг ҳам тунда қочиб кетганини айтишади: **“Ҳуши бошидан учди Султоннинг. Ичида гумон ва ҳадик илонлари бош кўтарди** (35-бет).

Халқона иборалар инсон туйғусининг таржимони сифатида жилоланади. Ижодкор халқ бисотидаги таъсирчан ибораларни топиб, образлар руҳиятини очиб беришда маҳорат билан фойдаланган. Диссертацияда адибнинг бу борадаги ижодий тажрибаси шеърӣй ва насрий асарларидан олинган парчалар асосида илмий далилланган.

Ёркин Самандар романларида халқ этнографиясининг барча тармоқлари қамраб олинган. “Султон Жалолиддин” ва “Қирон ғилдираги” романларидаги воқеалар ёвузлик билан эзгуликнинг тўкнашуви ҳамда халқ ҳаётидаги фожеаларни ифодалагани учун уларда ёвузликка қарши нафрат ғоялари талқини етакчилик қилади. Бу жараёнда оддий халқ қалбидаги дард алам, ёвга, ёвузликка қарши исён туйғулари қарғиш шаклида отилиб чиқади. “Қарғишлар пайдо бўлиш жиҳатидан узоқ тарихий даврларга – сўзнинг магик қудратини фетишлаштириш даврларига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам уларда ибтидоий инсонларнинг анимистик, тотемистик, фетишистик тасаввурлари ўз ифодасини топган¹².

“Қарғиш қалбдан чиқади”, деган нақл бор халқ орасида. Шундай экан, унда айтувчининг дилидаги туйғу акс этади. Ҳар бир ижодкор образ ички туйғусини очиб беришда ушбу жанр намуналаридан ҳам бадиий унсур

¹² Саримсоқов Б. Олкишлар ва қарғишлар. // Ўзбек фольклори очерклари. I том. –Т.: Фан, 1988. –Б.145. (128-152)

сифатида фойдаланади. “Султон Жалолиддин” романида Илол қалъасининг мўғуллар томонидан қамал қилиниши воқеаси тасвирланар экан, халқ оғир аҳволга тушагани, очлик-қашшоқлик авж олгани ҳолда Туркон хотун қалъа дарвозаларини очтирмагани ифодаланади. Охир-оқибат оддий халқ ноилож айбдорларни қарғай бошлайди:

“Илоҳо, қалъамизга ин қурган шумқадамларни даф айла, илоё, Хоразмшоҳ онасини ер ютсин!”

“Илоё, Туркон хотуннинг сочлари кесилсун! Илоё, Туркон хотуннинг кўзлари кўр, оёқлари шал бўлсин!”

“Қани, чиқ, бу ёққа, эй шумқадам, сен боис балоларга гирифтор бўлдик. Ўлум сенга, ўлум, ўлум!” (12, 13, 39-бетлар).

Халқ яхшини дуо қилади, олқишлайди, ёмонни қарғайди. Туркон хотун халқ ғамини эмас, ўз манфаатини кўзлайди. Хоразмшоҳга нотўғри маслаҳат бериб, юртнинг ҳалокатига сабабчи бўлади.

Романнинг иккинчи бир жойида сотқин ибн Ҳожибни халқ жирканиб қарғайди:

- Отасига лаънатлар бўлғай, онинг, лаънатлар бўлғай! (250-бет).

Қарғиш инсон нафратининг ташқи ифодасидир. Унда ғазаб, қаҳр, жирканиш, алам, жаҳд, зарда каби қасоскор туйғулар акс этади. Инсоннинг халқнинг руҳиятини ифодалайди. Ёзувчи ушбу жанр намуналаридан самарали фойдаланган. “Қирон ғилдираги” романида ҳам халқнинг қаҳр-ғазаб туйғусини ифодаловчи қарғиш намуналари кўплаб учрайди. Ўз навбатида, сўкишлар ҳам анчани ташкил этади.

Сафо Махсум дўсти Муҳаммад ҳожи тақдирига ачиниб, айбдорларни шундай қарғайди:

- Сенга қасд этганлар, илоҳи, паст бўлсин, аё Муҳаммад ҳожи!!! (29-бет.)

Қарғиш бор жойда сўкиш ҳам бўлади. Қасоскорлар Қорақумда шўро жаллодларидан бирини асир олишади. Унинг манфур башарасига тупуриб, қасоскор шундай сўкади:

- Масхаранинг ёмонлигини ҳали сен ҳам биласанми. Чўчқа! (85-бет.)

Қарғишлар, сўкишлар халқ тилининг қадимий курулларидир. Улардан фойдаланиш бадий асарнинг миллийлигини, халқчиллигини, ҳаётийлигини таъминлайди. Миллатнинг этноэстетик кайфиятини ифодалайди. Самимият бор жойда нафрат ҳам мавжудлигини билдиради. Эркин Самандар бу каби фольклор аъналаридан маҳорат билан фойдаланган.

Иккинчи боб **“Стилизация характеридаги фольклоризмларнинг асардаги бадий-эстетик ва услубий вазифалари”** деб номланиб, икки фаслни ўз ичига олади. Бобнинг биринчи фаслида **“Шоир шеъриятидаги стилизация усуллари”** таҳлил этилган.

Ижодкорнинг фольклордан фойдаланиш тамойиллари доираси қамровли. Айниқса, стилизация соҳасида унинг ижодий имконияти янада кенгаяди. Чунки фольклордаги турлар, жанрлар, улардаги образлар, мотивлар, ҳар бир жанрдаги ўзига хосликлар, услубий локаллик каби қатор омиллар ёзувчи томонидан ўзлаштирилиши мумкин. Л.С.Ковтун хулосасига кўра: “Адабиётнинг халқ ижодидан озиқ олиши табиий ҳол. Бироқ ушбу жараён конкретлаштириладиган бўлса, ҳар бир ёзувчи фольклордан

ўрганган ва эшитганларини ҳеч қачон айнан такрорламайди. Ундаги кўплаб нутқий тажрибаларни умумлаштириб, матннинг лисоний асосини ўзи яратади”¹³.

Халқ оғзаки ижодига хос усулларни ёзма адабиётга татбиқ этиш учун миллий фольклорни чуқур идрок этиш зарур. Фольклоршунос Жаббор Эшонкул фикрича: “Халқ ижодини ўрганиш бу халқнинг турмуш тарзини, урф-одатини, анъаналарини, тарихини, бугуни ва келажagini, ўй кечинмалари ва руҳиятини ўрганиш демакдир. Унда миллатнинг ўзини билиш, англаш, ўзини намоён этиш хислатлари, уринишлари, халқнинг минг йиллик ҳаёт тарзи, дунёқараши акс этган бўлиб, оддийроқ тилда айтганда халқ ижодини ўрганиш бу бевосита халқнинг ўзини ўрганиш демакдир”¹⁴. Бунинг учун ижодкор ўша халқнинг асл табиатини, руҳиятини чуқур ҳис этмоғи керак. Эркин Самандар Хоразмда туғилиб ўсган, ўз элининг тарихи ва турмуш тарзини пухта ўзлаштирган тажрибали ижодкордир. Унинг барча асарларида халқ ижодининг, ўзи мансуб эл руҳиятининг баракали таъсири сезилади.

Фольклорга хос анъаналардан стилизация тамойили асосида фойдаланишнинг доираси анча кенгдир. Ижодкор асарини замонавий мавзуда ёзса ҳам, фольклорнинг шаклий компонентлари асосида иш кўради, яъни услубга эргашади. Бу вазифани уддалаш ёзувчи маҳорати билан узвий боғлиқдир. Бадиий адабиётдаги услуб масаласини таҳлил қилиш мураккаб бўлиб, “...бунинг учун тилшуносликка ҳам, адабиётшуносликка ҳам яқин, айни пайтда, унисидан ҳам, бунисидан ҳам фарқ қиладиган филологик фанга оид предмет яратиш зарур”¹⁵.

Эркин Самандар ижодида стилизация характеридаги фольклоризмлар етакчилик қилади. У Хоразм фольклорини, унинг ижрочилари ва ижодкорларини, машҳур достонлар ҳамда уларнинг халқ севган қаҳрамонларини яхши билади, шеърларида уларни илҳом билан тилга олади. Шоирнинг “Назм нафаси” тўпламига кирган шеърлари таҳлили ушбу фикрни тасдиқлайди:

Ошиқ юракларнинг орзу, оҳини,
Оҳ уриб қирғоқда турган **Моҳимни**,
Чайқалиб сандикда оққан **Тоҳирни**,
Тоҳир, деб дод солган **Зухрони** кўрмиш. (82-бет.)

Шоир Хоразмдаги таниқли халфа ва халқ шоирлари номини шеърларида ҳурмат билан эсга олади. Бу борада унинг халқ шеъри услубида ижод қилган “Бу боғни қайси боғ дерлар” кўшиғи алоҳида эътиборни тортади.

Кезиб Қурбон ота кун-тун,
Диёр хонишларини айтди.
Муғанний куйлади мафтун,
Дилин ёнишларини айтди.
Кўшиқ айтди Анаш халфа,

¹³ Ковтун Л.С. Сближение обиходно-разговорной речи с художественной. // Поэтика и стилистика русской литературы. –Л.: Наука, 1974. –С. 372. (372-379)

¹⁴ Эшонкул Жаббор. Эпик тафаккур тадрижи. –Т.: Фан, 2006. –Б.33-34 (122)

¹⁵ Виноградов В. В. О языке художественной литературой. –М.: Наука, 1959. –С.3-4.

Бу боғни қайси боғ дерлар? (43-бет)

Ижодкорнинг ушбу шахсларни ўз шеърларида эҳтиром билан қайд қилиши шоирнинг халқ ижодига бўлган чуқур ҳурмати ифодасидир.

Стилизация адабиёт нуқтаи назаридан олганда “ўхшатиб ёзмоқ”, “тақлид қилмоқ” демакдир. Бу муаммо ёзувчи ижодида кенг доирани ташкил қилади. Эркин Самандар ижодида халқ кўшиқлари услубига яқин, қофия, банд, оҳангдорлик жиҳатидан ҳамоҳанг шеърлар анчани ташкил этади. Шулардан бири 17 банддан иборат “Одамзод” шеъри бўлиб, эпик характерга эга. Унда одамзоднинг пайдо бўлишидан то ҳозиргача бўлган ҳаёти қисқа сатрларда ифодаланади. Унинг оловни кашф этишидан бошлаб, атом асригача бўлган ҳаёти фақат талафотлардан иборат бўлиб, уруш, қон тўкиш мунтазам давом этгани, бунга одамзоднинг ўзи айбдор экани тасвирланади. Бу шеър ҳам халқ достонларидаги “Кунларим” типигади шеърий лавҳаларга монанддир.

Шоирнинг “Айирса бўлмас” шеъри ҳам халқ оғзаки ижодига яқин руҳда битилган. Шеърда дидактик ғоялар мужассамлашган бўлиб, шоирнинг афористик кашфиётлари халқ донолиги билан уйғунлашади.

Ўсаётган гулни қайирса,
Камолотдан айирса бўлмас.
Ёрни гулдан, лутфу хайрдан,
Шарофатдан айирса бўлмас. (60-бет)

Ушбу шеърда “Юсуф – Аҳмад” достонига ҳамоҳанглик кузатилади:

Йўллар кўҳна бўлур карвон бўлмаса,
Мулқлар вайрон бўлур султон бўлмаса,
Боғлар хароб бўлур боғбон бўлмаса,
Тахтлар вайрон бўлур хондин айрилса.

Шоир ушбу кўҳна оҳанглари янги шаклда гўзал бадиият билан ифодалай олган.

Ижодкорнинг “Ўзимизнинг Насриддин” достони таркибида ҳам фольклор стилизациясига алоқадор эпизодлар бор. Насриддин воқеалар давомида ўз шажараси ҳақида сўзлаганда, бобоси Омон Сардор ҳаётини ҳикоя қилади. Достон таркибига сингдириб юборилган кичик ҳикоя образ стилизациясига мисол бўла олади.

Эркин Самандар драматик достонларида образларни халқ ижодиётидаги анъанавий тимсоллар таъсирида стилизация услубида қайта жонлантиради. “Қабул соатлари”¹⁶ драматик достонидаги Чори чўпчи ғаразгўй, бахил, иғвогар, софдил инсонлар устига мағзава ағдариб, имзосиз хат ёзишда ном чиқарган сув юқмас кимса образидир.

“Тоҳир ва Зухра” достонидаги Ҳасан чуғул Тоҳирнинг Зухра билан боғда ўтирганини кўриб: *“Нима қилсам экан, подшоҳга бориб айтайми ёки икки ёшга раҳм қилсамми?... Аммо... унинг кўнглига шайтон васваса солди ва ўзи-ўзига деди: - Эй Ҳасан чуғул, сен умринг давомида гап-сўз, миш-миш, гийбат ташимоқдан бошқа иш қилмадинг. Олтмишингдан ўтгандан кейин кадхудо бўлмассан. “Эгри ёғоч ўз ётишида кетади”, деган гап бордир. Икки бошдан бу сўзларни бировга айтмасдан юриб билмассан. Ҳар неки бўлса ҳам*

¹⁶ Эркин Самандар. Қабул соатлари. –Т.: “Ёш гвардия”, 1980. –Б.(48)

аввалги баракот топган корингдан қўл узмагил, бу ҳақда тезлик билан подшога хабар бергил”¹⁷, деди.

Шу тарика Ҳасан чуғул икки ёшнинг учрашувини фожеага айлантириб юборади. Умуман, Чори чўпчи ва Ҳасан чуғул образи типологик хусусият касб этади. Ёзувчи айнан Ҳасан чуғул образини стилизация асосида қайта ишлаган, деган хулосани чиқариш қийин. Лекин чақимчилик, ифвогарлик, ҳасадгўйликни касб қилиб олган разил шахслар образи ҳар бир дostonда бор. Ушбу образларнинг дастлабки кўринишлари мифологияга алоқадор бўлиб, ёсуман, жодугар кампирлар унинг дастлабки кўринишларидир.

Бобнинг иккинчи фаслида **“Насрий асарларда стилизация фольклоризмларнинг бадиий функцияси”** текширилган. Ёзувчи услуби ниҳоятда мураккаб масаладир. У бадиий асарни ёзиш жараёнида турли асарлардан андоза олади, ўрганadi ва ўша аснода кашфиёт яратади. Эркин Самандарнинг насрий асарлари бунга мисол бўла олади. “Қуюн излари ёхуд Огаҳий” романида ижодкор халқона тасвир услубига кўпроқ аҳамият берган. У фольклор асарларидаги рамз, туш, хаёл, иллюзия, пейзаж ва бошқа омиллардан самарали фойдаланишга интилади. Асарнинг дебочасидаёқ халқона рамзий тасвир берилган. Чунки “Рамз поэтик нутқнинг семантик бирлиги ҳисобланади”¹⁸. Ёзувчи асарни шундай бошлайди: “Ҳижратнинг 1290 йили (мелодий 1873 йил) кўклами бошқача келди. Аввало, кўп куттирди...

Майли қишга ўз ўрнини бироз бериб бўлса-да у келди. Келди-ю бошланди одамларнинг совуқ дам олишлари. Ҳайрон қолишлари. Ёқа ушлашлари...

Аввалинда ҳамма ёқни бир тоифа очофат қушлар босиб кетди... Кўзига нима кўринса, тортинмай ейди. Қанча еса-да, тўймайди. Яна бир касофати шуки, борган жойини булғайди. Ҳеч ким билмайди очофатнинг қаёқдан келақолганини. Отини ҳам биров билмайди.

Одамлар ўзларича унга **сорикарға** деб от қўйишган. Туси сариқ, қилиғи совуқ...

Бошқа бир офат ҳам ёприлди элга. Қайси бир мушрик кўҳна қабрни бузди-ю, ўша жойдан қора қуртлар чиқиб келаберди. Улар тош деворлар, метин устунларни, ёғочдан ёпилган томларни кемира бошлади.

Хуллас, ғалва устига ғалва олиб келди бу баҳор.

Аммо орадан кўп ўтмай маълум бўлдики, бу **ғалвалар** ҳали **холва экан**” (5-6-бетлар).

Ёзувчи асар дебочасида ушбу лавҳани берар экан, **сорикарға, очофат, қоракурт** каби рамзларга урғу беради. Оғзаки адабиётда қарға – хабарчи, кўпроқ, шум хабарчи сифатида қаралади. Қарғалар қағиллаган боғ-мағзун ва таҳликали макон”¹⁹. Демак, ижодкор эл учун катта бахтсизлик, офат ёприлишига ишора қилаётир. Шуниси ҳам борки, кўпроқ **сорикарғага** урғу берилаётир, очофатлиги таъкидланаётир. Кўчирманинг охиридаги: “...ҳали

¹⁷ Ошиқнома, 5-китоб. –Урганч, “Хоразм”, 2011. –Б.17-18. (272)

¹⁸ Бутырин. Проблема поэтического символа в русском литературоведении (XIX –XX вв) // исследования по поэтические. –Л.: Наука, 1972. –С.257 (248-260)

¹⁹ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Б.44.

булар ҳолва экан”, жумласи китобхонни янада сергак торттиради. Бу эса ватан мустақиллиги тугаб, унинг рус босқинчилари ихтиёрига ўтгани эди. Босқинчилар сориқарғанинг айнан ўзи бўлиб, **очофатлиги** уларнинг хон хазинасини талаш, кутубхонани шип-шийдон қилиши, хоннинг тахти, қурол-яроғи – барчасини ўмариши, халқни хонавайрон қилиши эди.

Қорақуртлар – маҳаллий хоинлар – тахт талашувчи малъунлар: Амир тўра, Отажон тўра, Шомурод иноқ ва бошқалардир.

Бу рамзларнинг замирига етишни ёзувчи китобхонларга ҳавола этади. Фольклор мотивларига асосланган бундай тоифадаги стилизация усуллари асарнинг охиригача давом этади.

Ёзма адабиётдаги стилизация усуллардан бири туш тафсилотларини асар воқеалари ичига сингдириб юборишдир. Роман қаҳрамонларининг туши психологик тасвир усулларининг бири сифатида кенг қўлланилган. Уларнинг кўрган тушлари руҳий кечинмалари билан боғланиб кетади. Натижада образнинг ички олами ёритиб берилади.

Романда туш мотивига катта эътибор қаратилган. “Туш – бу замонавий одамнинг мифи... Замонавий одамда мантиқий тафаккур билан онг ости ҳислари ораси минг йиллик онг тараққиёти натижасида узилиб қолганлиги сабабли ҳам бизга бугун тушлардаги ва мифлардаги кечинмалар, воқеалар ғайритабиий туюлади”²⁰. Таҳлил этилаётган романда ҳам туш мотиви орқали образнинг келажак тақдири башорат қилинади.

Бобоқул рус қулларидан бири, у мусулмонликни қабул қилган. Огаҳийга хизмат қилиш учун хўжайини рухсат берган. Бир куни у туш кўради. Ғаройиб туш. Тепасида чиройли бир қуш қанот қоқар, Бобоқул сари пастлаб келарди. Қуш боши устига келиб қолганида дафъатан чиройли бир жувонга айланди ва тилга кириб, мен сенинг туғишган опанг бўламан, сени ахтармаган жойим қолмади, охири, мана топиб қошингга келдим, деди”. (40-41-бетлар.) Бобоқулнинг туши ўнгидан келиб, ҳақиқатан Анна исмли аёл руслар босқинидан кейин уни излаб келади. Опа-ука учрашади. “Ёзувчи туш мотиви орқали Бобоқулнинг руҳий кечинмаларини ойдинлаштиради. Унинг қатъиятли инсон эканини очиб беради. Опа билан инининг бири-бирига зид тийнати, уларнинг бошқа-бошқа олам экани кўрсатиб берилади. Бунинг асосий сабаби Бобоқулнинг мусулмон оламида, қолаверса, Огаҳий таъсирида шаклланган дунёқараши билан изоҳланади. Диссертацияда асарнинг бошқа ўринларида ҳам туш мотивидан фойдаланилгани, образлар стилизациясига эътибор қаратилгани батафсил таҳлил этилган.

Ёзувчи рамз, туш, хаёлот, образлар, пейзаж каби фольклорга хос омилларни стилизация асосида ўз асарига сингдирар экан, янги тасвирий воситаларни қўллаш орқали асар бадииятини юксалтиради, янги поэтик ютуқларга эришади. Фольклорга хос анъаналарга эргашиш халқнинг турмуш тарзи тўғрисида салмоқли лавҳалар яратишга йўл очади.

“Қирон ғилдираги” романи тоталитар тузумнинг қатағон авжга чиққан даврини акс эттиради. Унинг бош қаҳрамони Муҳаммад хожи тарихий шахс бўлиб, Хоразмнинг машҳур миробларидан бири, Францияда ўқиб келган дастлабки сув хўжалиги мутахассисидир. Ёзувчи ушбу шахс образини

²⁰ Жаббор Эшонқул. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. –Б.67.

тасвирлар экан, унинг яқин йўлдоши саман от тимсолига ҳам жиддий эътибор қаратади. Хоразмликлар қадимданок отни тотем сифатида эъзозлашган. Яқинларгача қишлоқларда дарвоза қошига от калла суягини қўйиш урф бўлган. Бу одатни этнограф олим Г.П.Снесарев ҳам тадқиқотида қайд қилиб ўтади²¹.

“Авесто” орқали етиб келган Гершасп, Виштасп, Пуршасп каби қадимги инсон исмларида “асп” сўзининг такрорланиши ҳам от тотемига ишорадир²². От образининг “Авесто”даги Ригведлар гимнида эъзозланиб тилга олиниши²³ ҳам шундан бўлса керак. Маълумки, халқ дostonларида эпик от образи мукамал ишланган. Эгаси бошига тушган кулфатга қайғудош бўлиб йиғлайдиган от образи “Гўрўғли” дostonларида бетакрор талқин этилган. Эркин Самандар саман от образини яратишда эпосдаги от образи стилизациясидан фойдаланган. Муҳаммад хожининг оти кўп томонлари билан Ғиротни эслатади. Ғирот эгасининг сўзларига тушунади, унинг руҳий ҳолатини сезади. Ярадор бўлиб устидан оғиб кетса, боши билан суяйди, бирор жойда асир тушса, ёв қўлидан қочиб, Чамбилбелга хабар беради.

Эркин Самандар от образига қайта-қайта мурожаат этади. “Султон Жалололиддин” романида бош қаҳрамоннинг Қорабайири эътиборни тортади. “Қорабайир ёғийнинг зич қаторларини иккига бўлиб борарди. Олд оёқларини кўтарганча рўпара келганни тепиниб орқага итқитади, ён томонларидан келганларини уриб-суриб юборади, уст-устига кишнаб рақибларга кўрқув солади. Бу ҳолат унга эгасидан ўтган. Султон эгарда мўъжиза кўрсатади. Шамшири зарбига ёғий дош беролмайди. Нўёнлар ва навкарлар дилига кўрқув солиб, бирлари ер тишлаб, бирлари тисарилиб боради” (146-бет). Қорабайир ва унинг эгаси ҳақидаги ушбу тасвир бизга бевосита Гўрўғли билан Ғирот муносабатини эслатади: “Ғирот оғзини очиб, Гўрўғли бошлаган ердаги одамларни тишлаб, икки ёнига қараб отиб ташлаб бораверади. Гўрўғли ҳам уларни сўта билан уриб кўндириб-кўндириб бораверди? (“Гўрўғли”, 425-бет). Халқ эпоси хусусиятига кўра, эпик қаҳрамон, эпик от ва унинг қуроли (триада) биргаликда куч-қудрат касб этади²⁴.

Ёзувчи романда қушлар образига ҳам катта эътибор беради. Табиат манзаралари тасвирида ҳамиша қушлар руҳияти вазиятга уйғун тасвирланади. Роман муаллифи қушлар парвози, уларнинг хатти-ҳаракатини тасвирлаш орқали жамият ҳодисаларига рамзий ишора қилади, қушлар образида стилизация усулидан фойдаланади. “Қирон ғилдираги” романининг охирида қушлар образига алоҳида боблар ажратилган.

Эркин Самандар романларида инсон образи стилизацияси ҳам кенг ва атрофлича ишланган. Шулардан бири “Султон Жалололиддин” романидаги Қамбарбек (Қамбарнисо) образидир. У темирчи уста Абдул Маҳакнинг

²¹ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. –М.: Наука, 1969. – С.325. (336)

²² Рўзимбоев С., Рўзимбоев Х. Хоразм “Гўрўғли” эпоси. –Урганч, “Хоразм”, 2016. –Б. 91 (192)

²³ Зарифов Ҳ. Жанговар от образининг қадимий асосларига доир. // Пўлкан шоир. –Т.: Фан, 1976. –Б.77 (65-83)

²⁴Путилов Б.Н. Героический эпос и действительность. –Л. Наука, 1988. –С. 68 (224)

қизидир. Аммо у оиласи бошига мўғуллар ёғдирган фожеадан сўнг йигит қиёфасида улардан ўч олиш учун курашга бел боғлаган. Ёзувчи бу образни қадимги хоразмийлар давридаёқ фаолият юритган амазонкалар тимсолидан стилизация қилган. Қолаверса, бундай қизлар сўнгги даврда ҳам кўп бўлган. Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи тарокима” асарида бутун ўғуз элини бирлаштириб, уни узоқ бошқарган етти аёлнинг исмлари келтирилади²⁵. Бундай жасур ва шаддод аёллар образи халқ достонларида ҳам кўп учрайди. “Гул ва Булбул” достонида катта қўшинга эга бўлиб, ёвларнинг додини берган қиз подшо Ғунчабий фаолияти мадҳ этилади²⁶.

Қамбарнисо образи қадимги аёл аждодларимизнинг романда қайта “тирилтирилган” жонли тимсолидир. Ёзувчи унинг фаолиятини шундай самимий тасвирлайдики, битта ёш аёлнинг йигит қиёфасида ватан озодлиги йўлида қилган жасоратли кураши кўплаб эркакларга ибрат бўлади. Образлар стилизацияси борасида Қамбарнисо тимсоли ёзувчи маҳоратининг яна бир ўзига хос чўққисидир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Синтезлашган ва аналитик фольклоризмларни қўллашда муаллиф ўзига хослиги”** деб номланган. Бобнинг биринчи фасли синтезлашган фольклоризмлар таҳлилига бағишланган. “Синтезлашган фольклоризмлар асосида яратилган асарда халқ эътиқоди, унинг даҳоси яратган дурдоналарнинг рационал мағзи ижодкор ғояси, унинг эстетик принциплари давр талаби ва муаммолари билан уйғунлашиб кетган бўлади”²⁷. Бундай фольклоризмлар учун ғоя ижодкор томонидан танланади. Унга халқ ижодиётидаги муайян мақол, афсона, ривоятлардаги эзгу ғоялар жиддий таъсирини ўтказиб, ижодкор уни тафаккур ва мушоҳадаси доирасида замонавий муаммолар атрофида қайта ишлайди. Бу эса, ёзувчи маҳоратининг далилидир.

Эркин Самандар тажрибали ва салоҳиятли ёзувчи. Шу сабабдан у, энг аввало, халқ ижодидаги илғор ғояларни танлай олади ва унга сайқал бериб, китобхон қалбини забт қила оладиган ҳукм-хулоса чиқаради.

Шоир шеърятига разм солинса, синтезлашган фольклоризмлар иккита йўналишда кўзга ташланади:

1.Мақоллар ғояси асосида шеърий мушоҳада юритиши. Мумтоз адабиётда бу усул Юсуф Хос Ҳожибдан тортиб, Алишер Навоий, Гулханий, Ҳамза ва бошқа қатор ижодкорлар меросида кузатилади. Уларда дидактик руҳ устуворлик қилади. Шоирнинг “Нақл” шеъри мақол заминига қурилган. Шеър номи ҳам шунга асосланган:

Дейдилар, чўкса гар недандир кўнглинг,
Руҳинг дош бермаса, қай бир савдога,
Йўлга чиқ, кутади сени тинч соҳил,
Мавж сари интилгил, боргил дарёга.²⁸

Шоир шеърга асос сифатида халқ орасида тарқалган “Кўнглинг чўкса дарёга бор, кўнглинг тошса – авлиёга” мақолини олган. Аммо мақолнинг

²⁵ Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинения Абулгази хана Хивинского. –М, -Л.: Наука, 1958. –С.78 (120)

²⁶ Ошиқнома, 7-китоб, – Урганч, “Университет”, 2019. –Б.150-157 (232)

²⁷ Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1984, №4. –Б.44.

²⁸ Эркин Самандар. Назм нафаси (Сайланма) –Т.: “Turon zamin ziyo” 2015 –Б.64. (510)

биринчи компонентини олиш билан кифояланган. Чунки шеърият инсон қалбида умидвор, жўшқин туйғуларни уйғотишга хизмат қилади. Қолаверса, ошиқ қалби ҳам дарё мавжига қиёс қилинади. Шу боисдан ҳам шоир “Ишқ чироғи” бирикмасига урғу беради. Шеърга мақолни асос қилиб олса-да, шоир унинг керакли қисмидан фойдаланади, ўз мақсадига бўйсундиради. Ундаги асосий ғоя синтезлаштирилгани боис фалсафий руҳ кучайган.

“Бир тўп гужум” шеърида ҳам дидактик хусусият етакчилик қилади. Унинг негизда “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” мақоли ётади. Шоир табиат ажойиботлари ҳақида ҳикоя қилар экан, умумий хулосани ижтимоий ҳаёт сари буради, инсонларни жипсликка, бирликка даъват қилади. “Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас”, мақоли асосига қурилгани бирлашиш туйғусини бетакрор ифодалаш имконини берган.

Ижодкор шеърий мисраларда кўплаб мақоллардаги фалсафий ғояларни қамраб олган. Жумладан: “Ҳар каллада ҳар хаёл”, “Эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ”, “Ҳар ким ўз кўмачига кул тортар”, “Қочган ҳам Худо дейди, қувган ҳам”, “Бировнинг жонидан ўтса, бировнинг ёнидан ўтмас”, “Мушукка ўйин, сичқонга ўлим”, “Биров ўламан деса, биров куламан дейди”, “Биров гул дейди, биров пул” сингари кўплаб мақол ва маталларнинг туб ғояси шеърда поэтик умумлашма даражасига кўтарилган. Натижада шеърнинг бир мисраси ўзига хос афоризмни ифодалаган. Диссертацияда ушбу масала таҳлилига муфассал тўхталинди.

2.Афсона ва ривоятлар мазмунини синтезлаш. Шоирнинг “Энг баланд минора” шеърида фольклор ғоялари синтез қилинган. Шеър афсона асосида юзага келган. Унда ҳикоя қилинишича, Уста Қобил деган дурадгор эзгу ишларга қизиқувчи, тадбиркор, ташкилотчи шахс бўлиб, кунлардан бир куни кўнгли минор қуришни тусаб қолади:

Уста Қобил қараса,
Хонлар минор қурадир.
Қимматмасдир унақа,
Минор қанча турадир?

Уста минор қуриш харажатини ҳисоб-китоб қилиб, бир йил пул йиғади, ўғилларини ҳам ишга қўшиб, қурилишни бошлайди, маслаҳат оши қилиб, қўчқор сўяди. Аммо бирданига иш чаппага кетади:

Қурма, дея минорни
Буйруқ келди саройдан.

У ушбу фармондан ҳайрон бўлиб, саросимага тушади. Ўз-ўзига дейди:

Ваҳ-ваҳ, нечук замон бу,
Борми жонга омонлик,
Хонлар курса яхши-ю,
Бизлар курсак ёмонми?

Саройдагилар ҳатто унга айб қўйишга баҳона ҳам топишади:

Минорадан ҳарамни
Кўриб турай дегансан.

Уста Қобил бу айбловдан ҳанг-манг бўлиб қолади. Аммо хон амри вожиб, у билан ади-бади айтишиб бўлмайди. Қурилиш тўхтатилади. Ижодкор афсонада устанинг орзуси ушалмаганини ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлайди. Катта фалсафани ифодалаш баробарида, хулосани

китобхонларга қолдиради. Шеър негизида китобхонлар учун мушоҳадага қолдирилган анчагина ҳаётӣ муаммолар мавжуд. Шоир яна фалсафӣ руҳдаги халқ донолиги-мақолларни эслатгандек бўлади: “Зари борнинг зўри бор”, “Ўйнашмагин арбоб билан...”, “Подшонинг кураги узун”, “Хон бор жойда қон бор”, “Камбағал бош кўтарса, бош тош кўтарар”, “Камбағалнинг ови юрмас”, “Замона зўрники”.

“Ҳикоят” шеъри ҳам ҳаёт фалсафаси асосига қурилган. Синтезлашган фольклоризмлар асосан мозийга оид афсона ва ривоятларга мурожаат қилиш орқали амалга оширилади. Шеърда ҳам ўша анъана сақланган. Сюжет араб истилоси давридан танланган бўлиб, оға-ини Чағонбий ва Ҳурзод ўртасидаги ихтилофлар ҳамда унинг оқибатларини ўз ичига олади. Ўтмишда оға-инилар орасидаги тахт талашувлар натижасида ҳукмдорлик аксар ёвуз кимсалар қўлига ўтиб, халқ хонавайрон бўлган ва давлат таназулга учраган. Ушбу ривоятда ҳам ўша ҳолат бадий акс эттирилган.

Адибнинг “Султон Жалолиддин” романида ҳам синтезлашган фольклоризмларнинг айрим намуналари берилган. Романда Урганч қамали чексиз ўкинч билан қаламга олинган. Бадий нутқда табиат, руҳият, жамият, ҳодисот синтезлашган, турли рамзларга мурожаат этилган. Ёзувчи ижодида қушлар олами битмас-туганмас рамзий ифодаларга айланган. Мўғуллар қалъага ёпирилган ҳолатни ижодкор қанотли жониворлар ҳаракати орқали тасвирлайди.

Диссертацияда адибнинг синтезлашган фольклоризмлардан фойдаланиш маҳорати аниқ мисоллар асосида таҳлил этилган.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли **“Аналитик фольклоризмлар индивидуал ижодий услуб омили”** экани очиб берилган. Эркин Самандар ижодида аналитик фольклоризмлар кенг қўлланган. Бунинг асосий сабабларидан бири ижодкорнинг афсона ва ривоятларга бой кўҳна Хоразм заминида туғилиб ўсганидир. Буни ёзувчи танлаган ва ижодий фойдаланган фольклор асарлари руҳидан ҳам англаб олиш мумкин. “Аналитик фольклоризмлар қўллаш анъанаси муосир адабиётга мумтоз адабиётимиздан ўтиб, ҳозирги кунда давр талаби, адиб ва шоирларимизнинг маҳорати билан боғлиқ бадий-ижодий амалиётимизда кенг қўлланилиб келмоқда”²⁹.

Ижодкорнинг қадимий асотирлар, афсона ва ривоятларга мурожаат қилиши сабаблари ижодий фантазия, бадий тафаккур оламининг тақозоси билан изоҳланади. Албатта, ҳар бир афсона ва ривоят асар таркибига муайян воқеа-ҳодисалар тақозоси билан сингдирилади. “Улар муаллиф матнидан қатъий фарқ қилган ҳолда асар сюжети негизи доирасига кирмасида, унинг ғоявий-бадий юксаклигини ошириб, ўқувчининг ҳиссиётига кучли таъсир кўрсатади”³⁰.

Асарнинг мукамал чиқишини, энг аввало, муаллиф маҳорати белгилайди. Ижодкор бадий жиҳатдан пишиқ-пухта, оригинал фольклор асарларини танлаб олиши ва улардан ўринли фойдаланиши, фалсафӣ хулосалар чиқара олиши зарур. Акс ҳолда ноўрин киритилган афсона ёки

²⁹ Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. / Ўзбек тили ва адабиёти”, 1984, №4. –Б.42 (37-45)

³⁰ Ярмагов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе. АКД. –Т.: 1986. –С.15 (24)

ривоят асар сюжетида “Чипта ямоқ”қа ўхшаб қолиши мумкин. Эркин Самандар “Куюн излари ёхуд Огаҳий” романида гўзал афсонани сюжет таркибига сингдирган.

Ёзувчи Хоразмнинг Ҳазорасп туманида Овшар қишлоғи аҳли ҳақидаги афсонани: “Огаҳий саёҳат асносида ўша қишлоққа ташриф буюриб, ўзи учун тикланган хос ўтовда хаёлга чўмади ва ўша ҳудуд билан алоқадор асотирлар оламига шўнғийди”, дея асарга маҳорат билан сингдириб юборади. Афсонадаги ноинсофлик, манфаатпарастлик, диёнатсизлик, мансабпарастлик каби иллатлар ва уларнинг оғир оқибатларига доир воқеалардан адиб ўша давр ва ҳамма замонлар учун ҳам муҳим бўлган “Қилмиш – қидирмиш”, деган хулосани чиқаради.

Эркин Самандар Хоразмда тарқалган афсона ва ривоятларни, қолаверса, умумхалқ ижодиёти намуналарини мукаммал ўзлаштиргани “Султон Жалолиддин³¹” романида яққол намоён бўлган. Асарда аналитик фольклоризмларга кенг ўрин берилган. Жалолиддин мўғулларга қарши кураш масаласида отаси билан тил топиша олмагач, ўз хайрихоҳлари билан Урганчни тарк этади. Йўл-йўлакай унинг қўшинига янгидан-янги аскарлар қўшилиб, сони мингга етади. Иттифоқо, бир куни унинг қўшинига ғурийлар қавми келиб қўшилади. Жалолиддин уларни синайди. Уч кун ўтгач, ғурийлар қўшин кўнглига ваҳима сола бошлайди. Мўғулларнинг ботирлиги, ҳеч нарсадан қайтмаслиги, яъжуж-маъжужлиги ҳақида турли афсоналар тўқийди. Жалолиддин дарғазаб бўлиб, барча аскарларни сафга тизади. Ўртада Жалолиддин, ўнг томонида вазир Шамсулмулк, сўлида саркардалар. Вазир Шамсулмулк ҳикмат ва дониш соҳиби эди. Унга изн берилади. Вазир дейди: “...Искандар Зулқарнайн икки тоғ оралиғига етди эрса бир қавмни учратди. Улар тоғ ортидаги фалокат – яъжуж-маъжужлардин шикоят айладилар. Айтдиларки, яъжуж-маъжужлар тоғ ичидин гуриллаб чиқарларда, экин-тикинни пайҳон этурлар, неки егулик бор, кемириб адо қилурлар. Жонларни танлардин суғуриб олурлар. Дағи ғор ичига кириб кўздин ғойиб бўлурлар. Тоғлар оғзи бекитилса, тешиб чиқурлар, на ўқ оларга кор қилур, на ўт, на сув. Аё, Искандар, Худойи таоло сенга беқиёс куч-қудрат ато айламиш, бизни яъжуж-маъжужлардин халос айла.

Искандар буюрди: темир парчалари сарбаланд уюлиб, устидан эритилган мис қуюлаберди. У тоғ қоялари қадар тикланди. Темир ва мис қоришмасидан осмонўпар Искандар девори қад ростлади. Они на яъжуж-маъжуж тешолгай, на дев, на шайтон. Яъжуж-маъжуж қавми девор ортида, қоронғи ғор ичкаринда қолиб кетмиш. То қиёматгача ондин чиқа олмаслар”.

Ғурийлар орасидаги сотқинларга савол бўлди: “Яъжуж-маъжужнинг турки қандоғ бўлур?” Улар тилларини тишладилар (9-бет).

Вазир Шамсулмулк ушбу ривоятни ҳикоя қилгандан сўнг мўғул аскарлари ҳақидаги гап-сўзлар фитна эканини англатиш учун ўзи ҳам лоф тўқиб аскарларни кулдиради: “Мўғулларнинг қулоқлари бўйлари қадар бўлмиш, ухлар чоғи битта қулоғин остиға тўшаб, иккинчи қулоғин эрса устиға кўрпа қилиб ётмишлар”. Бу сўздан сўнг Жалолиддин асир тушган битта мўғулни келтиришни буюради, келтиришади. “Кўринг, буларнинг

³¹ Эркин Самандар. Султон Жалолиддин. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 2007. –Б.286.

қулоқлари сизникидан фарқ қилурму”, дейди. Шундан сўнг, ким миш-миш тарқатса, ғурийларнинг ўзи адабини бера бошлайди. Роман воқеаларига боғлиқ ривоятнинг асарга сингдириб юборилиши унинг бадиияти юқори бўлишини таъминлаган

Ёзувчи афсона ва ривоятларга мурожаат қилганда аксар ҳаёлот олампидан фойдаланади. Образлар руҳияти дунёси, ички ҳиссиётлар тасвири учун афсона ва ривоятлар бадиий восита этилади. “Султон Жалолиддин”да аналитик фольклоризмларга кўпроқ мурожаат қилинишининг асосий сабабларидан бири асардаги асосий тарихий образлар: Жалолиддин, Нажмиддин Кубро каби буюк шахслар ҳаётининг афсона ва ривоятларга бой экани билан изоҳланади. Чунки “Аналитик фольклоризм асарнинг бадиий тўқимасида тўлиқ иштирок этади, аммо у билан органик бирикиб кетмайди. Бош қаҳрамон саргузаштларини ёрқинроқ очишга хизмат қилади. Функциясига кўра улар стилизациялашган фольклоризмларга яқин туради, бироқ асар ғоявий-бадиий мундарижасида фольклор материалининг иккинчи планга қўйилиши жиҳатидан улардан фарқ қилади”³². Эркин Самандар романлари сюжетидаги афсона ва ривоятлар ҳам асосий образлар қиёфасини ёрқин ифодалашга хизмат этади.

Адибнинг ушбу ривоятларга анча сайқал бериб, қайта ишлаши аналитик фольклоризмларнинг табиатидан келиб чиқади. Чунки, улар асар таркибида икки хил шаклда учрайди: а) фольклоризм ўзининг фольклордагидек тўлиқ шаклида; б) фольклоризм мазмунан сақланса ҳам, бироқ шаклан ўзгартирилган, кўпинча, қисқартирилган, ишлов берилган ҳолда келтирилади. Ҳар икки шаклда ҳам улар асар ғоясининг тўлақонли ифодаланишига хизмат қилади³³.

Умуман, ёзувчи мазкур ривоятларни саралаган ва сайқаллаган ҳолда роман воқеаларига сингдириб, ўзининг бадиий маҳоратининг юксаклигини яна бир бор исботлай олган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Халқ ноёб ва бебаҳо маънавий бойликларнинг буюк яратувчисидир. Инсоният тафаккури мевалари сифатида рўёбга чиққан маънавий бойликларнинг бир кўриниши халқ оғзаки ижодиёти бўлиб, унинг бевосита давомчиси ёзма адабиётдир. Ҳар иккала адабиёт ҳам инсоншунослик вазифасини адо этиб, ҳаминша бир-биридан озиқ олиб, бир-бирини тўлдириб, халқ маънавиятини бойитиб келмоқда. Ёзма адабиёт илк ибтидосида оғзаки адабиётга жуда яқин бўлиб, ривожланган сари мустақиллик касб этиб борган. Бироқ илк манбасидан бутунлай алоқасини узган эмас. Ҳар бир истеъдодли ёзувчи халқ ижодиётидан ўз дунёқараши доирасида озиқ олиб келаётир. Оғзаки адабиёт анъаналарини истифода қилиш фанда фольклоризм атамаси билан юритилади. Фольклоризмлар ўз навбатида оддий ва мураккаб типларга бўлинади.

2. Оддий фольклоризмлар мақол, матал, фразеологик бирикмалар, учирик сўзлар, оғзаки нутққа хос турли айланмалар асосига қурилади.

³² Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1982, №2. –Б.58 (54-59)

³³ Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. –Б.42.

Фольклоризмларнинг ушбу типи кўплаб ёзувчилар ижодида фаол қўлланилади. Бу борада Эркин Самандар ижоди алоҳида эътиборни тортади. Унинг лирикасида мақол ва маталларнинг нодир намуналари учрайди. Шоир халқ донолиги намуналарини мисраларга маҳорат билан жойлайди, натижада шеърнинг фалсафий руҳи юксалади, ғоявийлик кучаяди. Маталлар эса шеърини мисраларда маънодорликни ошириш билан бирга образликни рўёбга чиқаради. Шоир лирикасида фразеологик бирикмалар, образли ифодалар ҳам фаол истифода этилади. Мақол ва маталлар вазн ва қофия талаби билан айрим ҳолларда айнан, баъзан ўзгарган шаклда берилди. Бу ҳолат аксарият инверсия ҳодисасида кузатилади.

3. Оддий фольклоризмлардан фойдаланиш тамойили ижодкорнинг насрий асарларида, айниқса, тўлақонли тарзда намоён бўлади. “Қуюн излари ёхуд Огаҳий” романида ёзувчи мақолларни ҳар бир образ характерида мос танлайди. Қолаверса, мақолларда таъкид, даъват, буйруқ, ҳукм каби оҳанглар воқеалар оқимида муносиб тарзда қўлланилган. Ҳикматга монанд фикрларнинг энг саралари Огаҳий ва Феруз нутқида келтирилади. Руслар бостириб киргач, Огаҳий қарамликни ҳазм қила олмай. “Саодат озодликдадир”, дейди. Насрий асарлар таркибида “Пайтавасига қурт тушмоқ”, “Пилиги пасаймоқ” каби иборалар, ўхшатиш, муболаға санъатига алоқадор матал руҳидаги киноя, кесатиш, пичинг, самимият каби руҳий-ҳиссий ҳолатларни ифодаловчи образли ифодалардан, миллат менталитетига мос олқиш, қарғиш, сўқиш, қасам каби иборалардан моҳирона фойдаланилган. Ушбу ифодаларнинг барчаси асардаги бадиий нутқнинг бўёқдорлигини таъминлаган.

4. Фольклоризмларнинг стилизация типи оддий фольклоризмларга қараганда сал мураккаброқ усулдир. Эркин Самандар бу усулдан самарали фойдаланган. Энг аввало, стилизация усули унинг шеърлятида яққол кўринадди. Шоир Хоразм халқ кўшиқлари ва дostonларини яхши билади. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Тоҳир ва Зухра” каби дostonлардаги образларга шеър ҳам бағишлаган. Ўз навбатида, халқ кўшиқлари ва дoston услубида шеърлар битган. Адиб ижодида жанр, образ, шакл ва мазмун, бадиий тасвир воситалари доирасида стилизация усули етакчилик қилади. Шоирнинг аксар шеърлари халфа кўшиқлари услубини намоён қилади. “Ошиқ Ғариб кўшиғи”, “Одамзод”, “Айирса бўлмас” каби шеърлари шулар жумласидандир. Беш ва олти мисрали нақаротли шеърлари эса оҳангдорлиги, фонопoэтик жозибадорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

5. Эркин Самандар дostonлари ва насрий асарларида образлар стилизациясининг гўзал намуналари мавжуд. Шоирнинг “Ўзимизнинг Насриддин” дostonида бош қаҳрамоннинг бобоси Омон Сардор образи тақдири бизга эртак қаҳрамонлари қисматини эслатади. Сардорни исёнга бош бўлгани сабабли икки марта минорадан пастга улоқтиришади, аммо у ўлмасдан, пешини қоқиб туриб кетаверади, охири кишанлаб зиндонбанд қилишади, аммо эртасига қарасалар, зиндон бўм-бўш. Ижодкор зиндондан қочиш эпизодини реаллаштириб, исёнчиларнинг қутқарувчилик фаолиятига боғлайди.

“Қабул соатлари” драматик достонидаги Чори чўпчи образи илдизлари ҳам оғзаки адабиёт анъаналарига бориб боғланади. Чори шўро давридаги “имзосиз хат” ёзадиган ифвогар, чақимчиларнинг типик образи. У “касби”дан фахрланади. Бу тоифа образлардан бири “Тоҳир ва Зухра” достонидаги Ҳасан чуғулдир. Қолаверса, дostonлардаги ёсуман, маккор кампир, Сурхайил кампир, “Ўткан кунлар”даги Жаннат образлари ҳам ўзаро типологик образлардир.

6. Романларда аждодларимиз орасидаги куч-қудрат соҳиблари, адолатпарвар, ватанпарвар қиз-йигитларнинг енгилмас, мард ва жасур тимсоллари стилизация усулида мукамал ишланган. “Қуюн излари ёхуд Огаҳий” романидаги Сиддиқ полвон образини ижодкорнинг ўзи “ўтда куймас, сувда оқмас” инсон сифатида эртакнамо қилиб тасвирлайди. “Бўйи минордай”, “Белбоғи ўттиз қулоч” тарзидаги муболағани ишлатади. Унинг рус босқинчиларига қарши кураши ҳозирги ёшлар тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга.

Асардаги Жақай образи эса рамзий хаёлот оғушида мифологик лавҳалар орқали ифодаланади. “Султон Жалолиддин” романидаги Қамбарнисо образи стилизацияси ёзувчи маҳоратининг чўққиларидан биридир. Бу қиз мўғуллардан ўч олиш учун ўзини амазонкага айлантиришни мақсад қилади. Эркак кийимида, исмини Қамбарбекка ўзгартириб машҳур чавандоз, қиличбоз бўлиб етишади. Жалолиддиннинг яқин ёрдамчисига айланади. Бу образнинг халқ ижодидаги тимсоли “Гул ва Булбул” достонидаги Гунчабий образида мужассамлашган.

7. Эркин Самандар романларида от образи стилизацияси алоҳида ўрин тутаяди. Хоразмда от тотеми мавжуд бўлган. От тимсоли “Авесто”даги Ригведлар гимнида шарафланган. “Қирон ғилдираги” романида бош қаҳрамоннинг Саман оти образи эпик отнинг асосий хусусиятларини ўзида мужассам этган. Отнинг эгасини кутиб суткалаб туриши, охир-оқибат уйга хабар етказиши, эгасини соғиниб кўз ёши тўкиши, гап-сўзга тушуниши Гўрўғлининг Ғиротини эслатади. Султон Жалолиддиннинг Қорабайир оти эса Ғиротнинг жангларидаги ҳаракатларини ўзида жамлайди. Синд дарёси бўйидаги қоядан сакраши эса учар отларга менгзайди.

Адиб романларида қушлар образи, ҳатто Семурғ ҳам иштирок этиб, асардаги хаёлот дунёсини бойитади. Адибнинг “Қирон ғилдираги” романида қушлар образи стилизация этилган айрим ўринларда баёнчиликка йўл қўйилган. Қушлар образи тасвирида баъзан асар воқеалари ичига ёзувчининг аралашуви ўзини оқламаган. Шундай бўлса ҳам адиб қушлар образи стилизациясида маҳоратини намоён этган. Туш мотивлари эса эпосдаги анъанавий туш эпизодларига мос келаяди. Образларнинг тақдири, ички кечинмаларини очиб беради. Хуллас, романларда эпик, мифологик ва рамзий образлар стилизацияси устуворлик қилади.

8. Фольклор атамаси халқ донолиги маъносини англантиши эътиборга олинса, халқ ижодиётига хос доно умумлашмалар, юксак дидактик ғоялар ижодкорни ўзига жалб қилади, уни илҳомлантиради. Натижада адиб ўша ғояларни синтезлаштирган ҳолда юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрларни кашф этади. Маълумки, синтезлаш умумлаштириш, ҳукм-хулосага келиш демакдир.

Шоир ижодида мақоллар мазмуни асосида мисралар кашф этиш хусусияти кўп кузатилади. Унинг “Нақл”, “Бир тўп гужум” шеърларида қиссадан ҳисса чиқариш тамойили ётади. Ижодкорнинг эпик характердаги шеърлари ва дostonлари бу борада алоҳида аҳамиятга эга. “Энг баланд минора” шеъри “Замона зўрники” деган нақл асосига қурилган. “Ўзимизнинг Насриддин” достонида чапани инсон Насриддин саргузаштлари орқали мозий воқеаларидан бугунги замонга тааллуқли хулосалар чиқарилади. Шунингдек, “Султон Жалолиддин” романида Нажмиддин Кубро жасорати хоразмшоҳ кўрқоқлиги билан таққосланиб умумлашма фикрлар жамланади. Бу эса, ўз навбатида, ғоялар синтези ёзувчи ижодида кенг ўрин эгаллаши исботидир.

9. Фольклоризмларнинг аналитик тури ёзувчи ижодида салмоқли ўринни эгаллайди. Турли асотирлар, афсона ва ривоятлар одатда йирик насрий асарлар сюжетини адиб ижодий ниятига мувофиқлаштириш вазифасини бажарган. Ёзувчининг “Қуюн излари ёхуд Огаҳий” романида келтирилган ибратли афсона ва ривоятлар асар ғоясининг тўлақонли ва салмоқдор чиқишида ўзига хос бадиий-эстетик рол ўйнаган.

Ҳазораспнинг Овшар қишлоғи аҳолиси ҳақидаги афсона алоҳида эътиборни тортади. Афсонага аўра, овшарликлар қишлоқдаги булоқларга сув ичгани келган отларни ҳийла билан тутиб, ёвузларча ишлатишади, табиатга зуғум ўтказишади ва охир-оқибат жазога мубтало бўлишади. Ёзувчи хулосани Огаҳий тилидан беради: Инсонларни инсоф-диёнат тарк этса, эзгуликлар ўрнини ёвузликлар эгалласа, табиат уларни, албатта, жазолайди.

10. “Султон Жалолиддин” романида янада кўпроқ афсона ва ривоятлар сюжет моҳиятига сингдирилиб, асар воқеаларининг ранг-баранг чиқишига эришилган. Романдаги Нажмиддин Кубро ва Мажидиддин Бағдодий (Жамилжон) ҳақидаги ривоятлар асар мағзидаги асосий воқеаларни очиб беришда бадиий-эстетик восита вазифасини ўтайди. Ушбу ривоятлар илмий асарларда ҳам ўз таҳлилига эга бўлган. Аммо истеъдодли адиб уларни қайта ишлаб, юксак бадиий лавҳа сифатида реалистик тасвирга уйғунлаштирган. Ривоятларда мифологик лавҳалар ҳам келтирилса-да, воқеалар китобхон кўз олдида ҳаққоний тарзда гавдалантирилади. Нажмиддин Кубронинг буюк инсон, жасоратли ватанпарвар эканлигини кўрсатувчи ривоятлар романнинг зарҳал саҳифаларини безайди. Мажидиддин Бағдодийнинг Хоразмшоҳ томонидан ваҳшийларча ўлдирилиши ва қарғишга дучор бўлиши тафсилотлари китобхон қалбини ларзага солади.

Романларга жамланган миф, афсона ва ривоятлар аналитик фольклоризмларнинг ёрқин намуналаридир.

Хулоса қилиб айтганда, Эркин Самандар шеърий ва насрий асарларида фольклоризмларни маҳорат билан қўллаш натижасида катта бадиий-эстетик натижаларга эриша олган.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УРГЕНЧСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АТАЖАНОВ САРВАР САМАНДАРОВИЧ

**МАСТЕРСТВО ЭРКИНА САМАНДАРА В ИСПОЛЬЗОВАНИИ
ФОЛЬКЛОРИЗМОВ**

10.00.02 – Узбекская литература

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Ургенч - 2022

УДК: 821.512.133.09-1:39

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
The contents of dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD)

Атажанов Сарвар Самандарович

Эркин Самандарнинг фольклоризмлардан фойдаланишдаги маҳорати

Атажанов Сарвар Самандарович

Мастерство Эркин Самандара в использовании фольклоризмов

Atajanov Sarvar Samandarovich

Erkin Samandar's skill in using folklore

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works66

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УРГЕНЧСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АТАЖАНОВ САРВАР САМАНДАРОВИЧ

**МАСТЕРСТВО ЭРКИНА САМАНДАРА В ИСПОЛЬЗОВАНИИ
ФОЛЬКЛОРИЗМОВ**

10.00.02 – Узбекская литература

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Ургенч - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.1.PhD/Fil1735.

Докторская диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета (www.fil-ik.urdu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Рузимбаев Сафарбой,
доктор филологических наук, профессор

Гайипов Дилшод Кадамбаевич,
доктор филологических наук (DSc), доцент

Официальные оппоненты:

Гайлыева Огулай Курбанмурадовна,
доктор филологических наук (DSc), доцент

Сабирова НасибаЭргашевна,
доктор филологических наук (DSc), доцент

Ведущая организация:

**Нукусский государственный
педагогический институт**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 при Ургенчском государственном университете «___»_____ 2022 года в _____ часов. (Адрес: 220100, город Ургенч, улица Х.Алимджана, дом 14. Тел: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00, e-mail: www.fil-ik.urdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в центре информационных ресурсов Ургенчского государственного университета (зарегистрирована под номером_____). (Адрес: 220100, город Ургенч, улица Х.Алимджана, дом 14. Тел.: Тел: (99862) 224-67-00.

Автореферат диссертации разослан «___»_____ 2022 года.
(реестровый протокол от «_____»_____ 2022 года).

З.Дусимов,

председатель Ученого совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филологических наук, профессор

С.М.Сариев,

ученый секретарь Ученого совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филологических наук (DSc), доцент

А.Д.Уразбоев,

и.о. председателя научного семинара при
Ученом совете по присуждению ученых
степеней, доктор филологических наук
(DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении широко анализируется и исследуется вопрос о первоначальном формировании и развитии письменной литературы в недрах устной. В научном аспекте изучается вопрос о том, что, хотя письменная литература достигла больших высот в своем развитии, в творчестве писателей и поэтов фольклор продолжает занимать весомое место и служит весьма важным источником для обогащения их эстетического идеала.

В мировом литературоведении отдельно изучены простая и сложная разновидности фольклорных традиций. Системно изучается вопрос о роли простых фольклоризмов в лирических, эпических и драматических произведениях, а также мастерского использования в канве художественного текста традиций народного творчества, основанных на стилизации, аналитических и синтетических фольклоризмах, научная проблема относительно их значимости на разных этапах эволюции творчества определенного писателя, в связи с чем осуществляется немало монографических исследований.

В узбекском литературоведении взаимное воздействие фольклора и письменной литературы, функции традиций народного творчества в художественном произведении, семантика и типология фольклоризмов также исследуются на основе нового мышления. Обновляются способы обращения писателей и поэтов к фольклоризмам, совершенствуются литературно-эстетические критерии при оценке древнего духовного наследия, доминирующую роль стали играть принципы возрождения национальных ценностей. Ныне “встает задача выведения на новую ступень работы, направленной на дальнейшее повышение духовного иммунитета” нашего народа¹.

Это выдвинуло важные задачи для разрешения перед литературоведением. Фольклоризмы, сформировавшиеся в контексте вечных идей, вытекающих из вобравших в себя наши древние ценности фольклорных произведений, имеют своеобразное воспитательное значение в духовном развитии молодого поколения. В данном аспекте большое место занимает и творчество видного мастера художественного слова Эркина Самандара. В творениях Эркина Самандара нашли свое выражение все разновидности фольклоризмов. Данная научная проблема практически не исследовалась в литературоведении. Исходя из этого, анализ и исследование фольклоризмов, использованных писателем в своих произведениях, освещение идей высочайшего патриотизма, лежащих в их основе определяет **актуальность** нашей работы.

Задачи, определенные в указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2995 «О мерах по дальнейшему

¹Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. –Т.: Узбекистан, 2017. – С.47.

совершенствованию системы хранения, исследования и популяризации древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, УП-5850 «О мерах по коренному повышению статуса и престижа узбекского языка в качестве государственного» от 21 октября 2019 года, ПП-4865 «О широком праздновании 580-летия великого поэта и мыслителя Алишера Навои» от 19 октября 2020 года, а также в другой нормативно-правовой литературе, имеющей отношение к данной деятельности, нашли свое разрешение в данном исследовании.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование осуществлено в соответствии с приоритетным направлением: I. “Социальное, правовое, экономическое, культурное и духовно-нравственное развитие информированного демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

Степень изученности темы. Вопрос о связи фольклора и литературы в зарубежном литературоведении гораздо раньше стал объектом изучения и в данном аспекте осуществлено немало исследований². Начиная со второй половины прошлого века и в узбекском литературоведении стали появляться работы, касающиеся вопроса использования фольклоризмов. Видные узбекские ученые Н.М.Маллаев, М.К.Нурмухамедов, Б.И.Сарымсаков, Г.Муминов, О.Сабиров, И.Ярматов и многие другие осуществили исследования относительно вопроса влияния на творчество писателей фольклора и письменной литературы, традиций устного народного творчества³. Кроме того, были осуществлены и исследования

² Левинтон Г.А. Заметки о фольклоризме Блока // Миф-фольклор–литература. – Л.: Наука, 1978; Горелов А.А. К истолкованию понятия «фольклоризм литературы» // Русский фольклор. – Л.: Наука, 1979. –Т.ХІХ; Медриш Д.Н. Литература и фольклорная традиция. Вопросы поэтики – Саратов: Издательство Саратовского университета, 1980. -175 с.; Далгат У.Б. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981; Гусев В.Е. Типология фольклоризма. – Кичкемет (Венгрия), 1985; Лазеров А.И. Типология литературного фольклоризма. – Челябинск, 1991; Скаковская Л.Н. Фольклорная парадигма русской прозы последней трети XX века: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Тверь, 2004; Хазанкович Ю.Г. Фольклорно-эпические традиции в прозе малочисленных народов России (на материале мансийской, ненецкой, нивхской, хантыйской, чукотской и звенкинской литератур): Автореф. дис... докт. филол. наук. – М., 2009.

³Маллаев Н. Алишер Навои и народное творчество. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1974; Нурмухамедов М. Синтез устных и письменных традиций в литературе тюркских народов. / Узбекский язык и литература. 1981, №6.; Сарымсаков Б. О типологии фольклоризмов. / Узбекский язык и литература”, 1984, №4.; Сарымсаков Б. Изыскания относительно связи фольклора и письменной литературы // “Узбекский язык и литература”. 1976. №5 – С.85-87; Сарымсаков Б. Современное состояние процесса отражения связи фольклора и литературы. // “Узбекский язык и литература”. 1988. №6. С.21-27; Сабиров О. Узбекская реалистическая проза и фольклор. –Ташкент, 1979; Сабиров О. Истоки творчества поэта. –Ташкент, 1975; Сабиров О. Яшен и народное творчество. –Ташкент, 1972. Муминов Г. Значение фольклора в развитии нашей прозы. // “Узбекский язык и литература”. 1978 №2. – С. 62-66; Ярматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе. АКД. –Т.: 1986; Ярматов И. Типологические особенности фольклоризмов. // “Узбекский язык и литература”. 1982. №2. – С.54-59; Ярматов И. Фольклоризмы в виде стилизации. // “Узбекский язык и литература”. 1984. №3. - С.31-34; Ярматов И. О синтезированных фольклоризмах в современной узбекской лирике. // “Узбекский язык и литература”. 1985. №2. – С.35-37; Ярматов И. Типологические особенности фольклоризмов. // Узбекский язык и литература. 1982, №2. – С.54-59; Джураев М. Отношение мифов к письменной литературе. // “Узбекский язык и литература”. 1980. №6. – С.41-44; Акрамов Ф. Об отношениях мифа и письменной литературы. // “Узбекский язык и литература”. 1996 №2. – С.60-66; Амонов У. Фольклоризмы в драмах Фитрата. // “Узбекский язык и литература”. 2012; Отажонова М. Мифологический сюжет и художественная интерпретация. // “Узбекский язык и литература”. 2017. №3; Турсунова Н. Фольклоризмы в современных узбекских драмах. // “Узбекский язык и литература”. 2015 №4; Кадырова М. Отголоски

обзорного характера, касающиеся творческого пути Эркина Самандара, отдельных граней его дарования.⁴ Данная диссертация от предыдущих работ отличается тем, что научная проблема исследуется в монографическом плане.

Связь исследования с планами научно-исследовательской работы высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертация, будучи введена в план научных исследований Ургенчского государственного университета, выполнена в рамках исследовательского направления “Связь фольклора и письменной литературы” кафедры “Узбекского языка и литературы”.

Цель исследования. Определение места фольклоризмов в произведениях Эркина Самандара, их роли в художественности его творений, раскрытие мастерства автора в использовании образцов устного народного творчества.

Задачи исследования:

- определение простых фольклоризмов в творчестве Эркина Самандара и их роли в художественности произведения, в частности, освещение вопросов использования писателем пословиц и поговорок, определение места фразеологических выражений, а также проклинаний и восхвалений в системе произведения;
- исследование художественно-эстетических и стилистических функций фольклоризмов в произведении в аспекте стилизации;
- освещение способов стилизации в лирике поэта;
